ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 34.2025.27.12.T.01.01 - РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МЕҲНАТ БОЗОРИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВ АКБАР РАЙХОНОВИЧ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЗАРАРЛИ ВА ХАВФЛИ МЕҲНАТ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗАСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.10.01 – Меҳнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги (техника фанлари)

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

УДК: 331.45

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Жураев Акбар Райхонович
Саноат корхоналарида зарарли ва хавфли меҳнат омиллар таъсирини камайтиришда меҳнатни муҳофазасини бошқариш тизимини такомиллаштириш.....3

Жураев Акбар Райхонович
Совершенствование системы управления охраной труда при снижении воздействия вредных и опасных факторов труда на промышленных предприятиях …….....……..…….....22

Juraev Akbar Rayhonovich
Improving the labor protection management system to reduce the impact of harmful and dangerous labor factors in industrial enterprises…….....43

E’lon qilingan ishlar ro‘yxati
Список опубликованных работ
List of published works..……....48

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 34.2025.27.12.T.01.01 - РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МЕҲНАТ БОЗОРИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВ АКБАР РАЙХОНОВИЧ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЗАРАРЛИ ВА ХАВФЛИ МЕҲНАТ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗАСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.10.01 – Меҳнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги (техника фанлари)

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.PhD/T4333 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация меҳнат бозори тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Адилов Уткир Халилович** тиббиёт фанлари доктори(DSc), катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	**Артем Валериевич Литяга** техника фанлари фалсафа доктори,(PhD) доцент
	Насиров Уткир Фатидинович техника фанлари доктори (DSc), профессор
Етакчи ташкилот	**Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети.**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш Марказида ҳузуридаги PhD 34.2025.27.12.T.01.01 - рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил “____” ноябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳар, 100102, Янгиҳаёт тумани, Лутфкор кўчаси,33-уй. Телефон: (71)258-09-12, факс (71) 258-09-12, E-mail: info@rmmk.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш Маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100102, Тошкент ш., Янгиҳаёт тумани, Лутфкор кўчаси, 33-уй. Телефон: (71) 258-09-12 E-mail: info@rmmk.uz.

Диссертация автореферати 2026 йил “____” ноябрь куни тарқатилди.
(2026 йил “____” ноябрь ___-рақамли реестр баённомаси).

Б.Т.Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

У.Б.Қадиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.ф.д., доцент

Ф.Н.Нуркулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнгги йилларда саноат корхоналарида меҳнат жараёни билан боғлиқ зарарли ва хавфли омилларнинг ходимлар саломатлиги ва меҳнат қобилиятига салбий таъсирини камайтириш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, хавфларни самарали бошқариш масалалари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор йўналишлардан биридир. Саноатнинг замонавий ривожланишининг жадаллашуви, янги технологик жараёнларнинг жорий этилиши, автоматлаштириш ва рақамлаштиришнинг кенгайиши меҳнат муҳитидаги хавфларнинг характери ва таркиби ўзгаришига олиб келмоқда. Шу сабабли, замонавий меҳнатни муҳофаза қилиш тизими мавжуд хавфларни бартараф этишга эмас, балки уларни олдиндан аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва ходимларга таъсирини прогнозлашга алоҳида эътибор қаратилиши муҳим масалалардан ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили меҳнат фаолияти билан боғлиқ, ўртача 2,9 млн киши, шундан 2,58 млн. касбий касалликлардан, 0,32 млн. ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлардан ҳалок бўлади ва 395 млн. ходим жароҳатланади. Бу эса, меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқариш тизимини янада такомиллаштириш заруриятини туғдиради.

Жаҳонда меҳнат хавфсизлигини бошқаришнинг замонавий моделларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш борасида кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, хусусан, меҳнат хавфсизлиги соҳасида хавфларни идентификация қилиш, касбий хавфларни баҳолаш, ишлаб чиқариш муҳитини мониторинг қилиш ва ходимларнинг хавфсиз меҳнат маданиятини шакллантириш, меҳнат хавфсизлигини таъминлашда рискларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнларини рақамли мониторинг қилиш ва хавфларни прогнозлаш технологияларидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. Шу сабабли, хавфли омилларни комплекс баҳолаш ва уларнинг ходимлар саломатлигига таъсирини камайтириш бўйича интеграциялашган бошқарув механизмларини ишлаб чиқиш, меҳнат хавфсизлигини бошқариш тизимини рақамлаштириш, сунъий интеллект ва маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш технологияларидан фойдаланган ҳолда касбий хавфларни олдиндан аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масалалардан биридир.

Республикамизда саноат корхоналарида хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, касбий хавфларни баҳолаш ва бошқариш механизмларини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш ва такомиллаштириш борасида Давлат дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, соҳасида 20 га яқин асословчи ва 227 тадан зиёд ходимларнинг меҳнатини

муҳофаза қилиш қоидалари, 38 та тармоқ ва ишлаб чиқариш йўналишларида банд бўлган ходимлар учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул беришнинг намунавий нормалари жорий қилинган. Лёкин ҳанузгача мамлакатда меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш объектларида ходимларнинг жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши каби ҳолатлар кўплаб учрамоқда. Бу эса, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси[1], “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни[2], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025-йил 21-июлдаги 454-сон “Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ва 2025-йил 24-декабрдаги 819-сон “Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, республикамизда ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг 187-сонли "Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисида"ги, 155-сонли “Меҳнат хавфсизлиги ва гигийенаси” тўғрисидаги Конвенсияларининг ижросини таъминлашда мазкур диссертатсия иши муайян даражада хизмат қилади

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. Меҳнат унумдорлигини ошириш устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналарида зарарли ва хавфли меҳнат омилларини ходимларга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадқиқотлар хорижий олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, К.Макконелл, А.Оукен, И.Фишер, Д.Кейнс Р.Агабекян, Г.Авагян, Н.Волгин, Ю.Одегов, Л.Костин, В.Плакся ва бошқалар томонидан ўрганилган. Республикамиз олимларидан Қ.Абдураҳмонов, У.Х.Адилов, Р.Р.Нурмаматова, О.Р.Юлдашев, Г.Б.Абдиева, О.А.Джураев, К.А.Атабаевларнинг илмий ишларида корхоналарда хавфли ва зарарли омилларни камайтириш ва хавф даражасини баҳолаш ишлари тадқиқ этилган бўлиб, корхоналарда меҳнат хавфсизлиги ва ходимлар саломатлиги тизими баҳоланган, амалдаги меҳнат муҳофазаси қонунчилигида ишлаб чиқариш корхоналарининг муаммоларини кўрсатиб берилган. Ш.Г.Мусаев, Г.З.Туракулова бахтсиз ҳодисаларни камайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни тадқиқ қилинган. Лёкин, саноат корхоналарида зарарли ва хавфли омиллар таъсирини камайтириш ҳамда меҳнат муҳофазасини бошқариш бўйича ҳанузгача илмий ишлар қилинмаган ва етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. https://lex.uz/uz/docs/6257288.
[1] Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 22.09.2016 йилдаги ЎРҚ-410-сон. https://lex.uz/docs/3031427

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Меҳнат бозори тадқиқот институтининг Вазирлар Маҳкамасининг 616-сон қарори билан тасдиқланган Илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида белгиланган “Маъмурий бино-иншоотларга хизмат кўрсатиш ва жиҳозларни таъмирлашда банд бўлган ишчилар сонининг тармоқлараро меъёрлари” дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналарида зарарли ва хавфли меҳнат омилларининг ходимларга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган амалий тавсиялар тайёрлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

ишлаб чиқариш корхоналарда ноқулай меҳнат шароити ва жароҳатланиш омилларининг сабабларини ўрганиш, бахтсиз ҳодисалар таҳлили ва жароҳатланишни миқдорий баҳолаш;

ташкилотларда хавфларни баҳолаш ва бошқаришга ёндашиш усулларини тадқиқ қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини баҳолаш алгоритмини ишлаб чиқиш;

саноат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимида касбий хавфнинг эҳтимолий ривожланишини башорат қилиш услубиятини ишлаб чиқиш;

саноат корхоналари ходимларини тиббий кўриклардан ўтказиш самарадорлигини ва ҳимоя воситалар билан таъминланганлик тадқиқ қилиш;

касбий хавфларни баҳолаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқаришни рақамлаштириш учун e-xavf дастурий ечимини ишлаб чиқиш;

эҳтимоллик ва аҳамиятлиликни баҳолаш алгоритми, риск матрицаси ва бошқарув устуворлигини автоматик аниқлаш, қиёсий баҳолаш мезонларида иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Олмалиқ КМК, Навоий КМК, “Ўзбекқўмир” АЖ, “Uz-Kor Gas Chemical” ҚҚ нефт-газни чуқур қайта ишлаш корхонаси, "MANAGEMENT CERTIFICATION" MChJ корхоналари иш ўринлари, ходимлари ва технологик регламентлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини саноат корхоналари иш ўринлари меҳнат шароити омиллари, бахтсиз ҳодисалар, касб касалликлари, тиббий кўрик натижалари ва шахсий ҳимоя воситаларни билан таъминланганлик кўрсаткичлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тизимли таҳлил, содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва уларнинг оқибатлари статистикаси, гигиеник, лаборатория ўлчашларни математик моделлаштириш, солиштирув, назарий ва анкета-сўров усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бахтсиз ҳодисалар сабабларининг учта гуруҳда; техник-технологик – 75%, ташкилий-бошқарув – 14%, санитар-гигиеник – 11%, баҳолаш усуллари қиёсий таҳлил қилинган ва касбий хавф-хатарни баҳолашнинг тўрт компонентли интеграл модели (ИКР-4) ва унга асосланган меҳнат хавфсизлигини адаптив бошқариш тизими ишлаб чиқилишига эришилган;

касбий хавфни баҳолаш алгоритми, ходимларини тиббий кўриклардан ўтказиш самарадорлиги, касбий хавф эҳтимолининг ривожланишини башоратлаш модели яратилди, логит алмаштиришга асосланган трендли моделининг башоратлаш механизми натижаларининг ишончлилиги элементлари аниқланишига эришилган;

хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва назорат қилишда Ниман тенгламасидан фойдаланилиб, иш жойидаги хавф омилларининг миқдорий ўзгариши баҳоланди, хавф даражасини камайтиришга қаратилган профилактик-бошқарув чоралари ишлаб чиқилиши математик моделлаштирилган;

тадқиқотда “Касбий ҳавфларни баҳолаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш дастури” – E-XAVF v2.0.0 дастурий ечимининг илмий-методик ва техник асослари ишлаб чиқилган эҳтимоллик беш омил бўйича автоматик ҳисобланди, аҳамиятлилик 1–5 шкалада самарадорлиги дастур локал веб-илова сифатида фойдаланишининг нисбати катталиги бўйича аниқлаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касбий хавф эҳтимоли шароитида рухсат этилган меҳнат фаолияти стажи ва иш сменасида хавфсиз иш вақти давомийлиги ҳамда меҳнат шароитининг зарарли таъсири даражасига боғлиқ касб касалликлари пайдо бўлишининг интеграл башорати (прогнози) тадқиқ этилган;

бахтсиз ҳодиса, касб касалликлари ва саломатликка бошқа турдаги зарар етказилиши билан боғлиқ ҳодисалар ва амалга оширилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини баҳолашни тартибга солиш ва ҳисобга олиш бўйича услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган;

касбий хавфларни баҳолаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқаришни рақамлаштириш учун E-XAVF электрон дастур ишлаб чиқилган;

лойиҳани иқтисодий самараси бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари сонини қисқариши, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш оқибатида ногиронлик ривожини олдини олиш (ногиронлик ижтимоий таъминоти), иш берувчиларни фуқаролик масъулиятини ижтимоий суғурталаш бўйича тўловларни камайишига олиб келувчи ва ишлаб чиқаришни самарадорлигини ўсишини таъминловчи дастур ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот тажрибасида олинган натижаларнинг ишончлилиги расмий статистик маълумотлардан, амалдаги математик ҳисоблаш усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, статистик усулларнинг қўлланганлиги, олинган натижаларни солиштириш усули орқали асосланганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, олинган натижаларнинг ваколатли орган томонидан тасдиқлаганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касбий хавф эҳтимоли шароитида рухсат этилган меҳнат фаолияти стажи ва иш сменасида хавфсиз иш вақти давомийлиги ҳамда меҳнат шароитининг зарарли таъсири даражасига боғлиқ касб касалликлари пайдо бўлишининг интеграл башорати (

п

р

о Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иш жойлардаги реал хавф даражаси аниқланиб, ҳар бир аниқланган хавф омил бўйича устувор нрофилактик чоралар белгилаш бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, касб касалликларини камайтириш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш оқибатида ногиронликни олдини олиш (ногиронлик ижтимоий таъминоти), иш берувчиларни фуқаролик масъулиятини ижтимоий суғурталаш бўйича) тўловларни камайишига олиб келувчи, шунингдек ходимлар учун хавфсиз меҳнат муҳитини яратишга қаратилган “Иш жойларининг ишлаб чиқариш ускунаси, мослама ва асбоблардан жароҳатланиш хавфсизлигини баҳолаш услубияти” ни ишлаб чиқишга эришилганлиги билан изоҳланади.

л **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Саноат корхоналарида а зарарли ва хавфли меҳнат омиллари таъсирини камайтириш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ч касбий хавф-хатарларни комплекс баҳолаш, хавфли ва зарарли и омилларни идентификациялаш, уларнинг таъсирини камайтириш ҳамда к меҳнат хавфсизлигини бошқаришнинг илмий-услубий ёндашувлари м меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини ташкил этиш ва ишлаб я чиқариш ускуналари, мослама ва асбобларнинг жароҳатланиш хавфини к комплекс баҳолаш услубияти ҳамда касбий хавфларни камайтиришга қ қаратилган илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Бахтсиз ҳодисалар и сабабларининг техник-технологик – 75%, ташкилий-бошқарув – 14%, санитар- , гигиеник – 11%, баҳолаш усуллари қиёсий таҳлил қилинган ва касбий хавф- баҳарни баҳолашнинг (ИКР-4) усули ишлаб чиқилган, унинг ёрдамида корхоналарнинг статистик маълумотлари асосида меҳнат шароитлари ва меҳнат хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш имконияти яратилган. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг соҳавий хизматларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2026 йил 22 майдаги 01/00-04/14-5241-сон маълумотномаси).

Натижада, саноат корхоналарида касбий хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш ва баҳолаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, профилактик чора-тадбирларни мақсадли белгилаш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш эҳтимолини камайтириш, ходимларнинг меҳнат қобилиятини сақлаш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 6 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган. Шунингдек, хорижда 2 та илмий монография нашр этилган. Тадқиқот натижалари асосида 2 та услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, саноат корхоналари амалиётига жорий этилган ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган 1 та дастурий таъминот яратилган.

Диссертасиянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий-амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши ва апробацияси ёритилган.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқариш корхоналарида ноқулай меҳнат шароити ва жароҳатланиш омилларини ўрганиш орқали меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш» номли биринчи бобида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, касбий хавфларни баҳолашнинг миллий ва халқаро тажрибаси ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш (ММҚБ) тизими таҳлил қилинган. Бахтсиз ҳодисаларнинг муҳим сабаблари сифатида технологик жараёнлар такомиллашмагани (75%), ташкилий-бошқарув тўғри йўлга қўйилмаганлиги (14%) ва санитария-гигиена омилларига етарли эътибор берилмагани (11%) аниқланган. Мавжуд математик ва институционал ёндашувлар қиёсланиб, рискка йўналтирилган бошқарув бўйича муаллифлик ёндашуви асосланган.

Иккинчи боб «Ташкилотларда хавфларни баҳолаш ва бошқаришга ёндашиш усулларини тадқиқ қилиш» деб номланиб, тадқиқот материаллари, босқичлари ва баҳолаш методларига бағишланган.

ММҚБ ҳолатини баҳолаш усуллари таққосланиб, янги кўрсаткичларга асосланган алгоритм ишлаб чиқилган. 2023–2024 йилларда Олмалиқ КМК, Навоий КМК, «Ўзбеккўмир» АЖ, «Uz-Kor Gas Chemical» ҚҚ ва «MANAGEMENT CERTIFICATION» МЧЖ иш ўринлари, технологик регламентлари, бахтсиз ҳодисалар, касб касалликлари, тиббий кўрик ва шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) билан таъминланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Статистик ва гигиеник таҳлил, лаборатория ўлчовлари, солиштириш, назарий ва анкета-сўров усуллари қўлланилган; маълумотлар «Statistica for Windows 7.0» дастурида қайта ишланган.



Ишлаб чиқариш корхоналарида касбий хавфларни баҳолашнинг тўрт компонентли интеграл модели (ИКР-4) ва унга асосланган меҳнатни муҳофаза қилишни адаптив (риск-йўналтирилган) бошқариш тизими. Модель иш муҳитининг гигиеник ҳолати, ускуна ва технологик жараённинг техник хавфи, меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимининг сифати ҳамда ходимлар саломатлигининг тиббий-биологик кўрсаткичларини битта нормаллаштирилган кўрсаткичда бирлаштиради ва шу асосда бошқарув қарорини автоматлаштирилган тарзда шакллантиради (1-расмга қаранг).

1-расм. Таклиф этилаётган ИКР-4 моделининг концептуал структураси (муаллиф ишланмаси)

Интеграл касбий риск тўрт нормаллаштирилган компонентнинг оғирликли йиғиндиси орқали ҳисобланади:

$$Rинт = w_1 \cdot Rг + w_2 \cdot Rm + w_3 \cdot Ro + w_4 \cdot Rм , \quad \Sigma wi = 1 , Rинт \in [0; 1], \quad (1)$$

Бу ерда Rг – гигиеник, Rт – техник, Ro – ташкилий-бошқарув, Rм – тиббий-биологик компонентлар; w_i – уларнинг оғирлик коэффициентлари. Гигиеник индекс омилларнинг меъёрдан оғиши ва экспозиция вақтини ҳисобга олади:

$$Rг = (\Sigma \beta j \cdot min(Hj / Hмакс ; 1)) / (\Sigma \beta j) , \quad j = 1…n, \quad (2)$$

Учинчи боб – «Саноат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимида аниқлаш, баҳолаш ва касбий хавф ривожланишини башоратлашни ишлаб чиқиш» – бахтсиз ҳодисалар сабаблари, тиббий кўриклар, ШҲВ билан таъминланганлик ва касбий хавф динамикасини тадқиқ

этишга бағишланган. Норматив-ҳуқуқий талаблар ва жароҳатланиш кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили асосида профилактик ёндашув ишлаб чиқилган.Хавфларни идентификация қилишда инсон, вақт, иш жараёни, жой ва объект, шунингдек ҳар бир лавозимнинг иш шароити ҳисобга олинган (2-расм). Натижалар кундалик операцион стандартлар ва бошқарув қарорларига киритилган.



2-расм. Хавф-хатарни баҳолаш омиллари

Касбий хавфларни проактив башоратлаш учун омиллар тўрт мезон – ўлчанувчанлик, бошқарилувчанлик, статистик боғлиқлик ва норматив асосланганлик бўйича танланган. Асосий икки омил ШҲВ билан таъминланганлик ва мажбурий тиббий кўрик самарадорлигидир: ШҲВ зарарли таъсир экспозициясини камайтиради, тиббий кўрик эса саломатликдаги ўзгаришни эрта аниқлаб, касаллик ривожланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу бобда, башоратлашнинг ишончли моделини яратишда унга киритилаетган маълумотларнинг сифатининг роли кўрсатиб ўтилган. Яъни, математик модел қанчалик мукаммал бўлмасин, бошланғич маълумотлар тўлиқ, изчил ва ҳужжат билан тасдиқланган бўлмаса, натижа реал ҳолатни акс эттира олмайди. майди. Шу сабабли, тадқиқот услубиятининг ажралмас қисми сифатида махсус маълумотлар базаси олтита талаб асосида лойиҳаланди.

1. Бирламчи ҳужжатга таянганлик. Базага киритилаётган ҳар бир сон корхонада мажбурий юритиладиган бирламчи ҳужжатдан олинди ва унга ҳавола сақланди. Экспертнинг ҳужжатсиз баҳоси бирламчи маълумот сифатида қабул қилинмади.

2. Баҳолаш бирлигининг ягоналиги. Барча кўрсаткичлар битта таҳлил бирлиги - иш ўрни (касбий гуруҳ) кесимида йиғилди. Бу турли хил мазмундаги маълумотларни ўзаро боғлаш имконини берди.

3. Вақт бўйича қиёсланувчанлик. Ҳар бир кўрсаткич давр (йил) белгиси билан сақланди, ўтган даврлар маълумоти ўчирилмади ва динамикани ҳисоблаш учун камида икки давр талаб этилди.

4. Нормаллаштирилганлик. Барча кўрсаткичлар (3.2) ифодага мувофиқ 0-1 оралиғига келтирилди.

5. Тўлиқлик назорати. Маълумот киритилиши сифати расмий мезонлар билан текширилди (3.5).

6. Кенгайтирилувчанлик. Базага янги башоратловчи омил қўшилганда мавжуд тузилма ўзгартирилмади.

Тадқиқот учун олинган ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари орасида ўтказилган тиббий кўрикларни ўтказиш сифатини баҳолаш учун даврий тиббий кўриклар натижалари бўйича якуний далолатномалар таҳлил қилинди. Охирги йилларда ўтказилган тиббий кўрикларнинг натижалари кўрсатдики, икки йил ичида ўтказилган тиббий кўрикларда деярли барча ходимлар (99%) иштирок этиб, орасида умумий касалланиш кўрсаткичлари 2023 йилда Олмалиқ КМК, Навоий КМК ва Уз КорГАЗ корхоналарида юқори бўлган. Ходимлар орасида касбий касалликларни ўрганиш натижалари эса, 2024 йилда ўсганлигини намоён этди: Олмалиқ КМК – 6,0%, Навоий КМК – 17,0% ва Узбек Кўмир саноати - 8,0%.

Касбий хавф эҳтимолининг ривожланишини башоратлаш модели сифатида логит алмаштиришга асосланган трендли модел қўлланилди. Бунда, чегараланган катталик аввал чегарасиз шкалага ўтказилди, тренд ўша шкалада чизиқли экстраполяция қилинди, сўнгра натижа тескари алмаштириш билан дастлабки чегараланган шкалага қайтарилди. Логистик функцияга асосланган трендли моделлар башоратлаш назариясида улуш кўринишидаги кўрсаткичлар учун стандарт ечим ҳисобланди.

Касбий хавфнинг ўзгаришини башоратлаш учун логит алмаштиришга асосланган трендли модель қўлланилган: чегараланган индекс чегарасиз шкалага ўтказилиб, чизиқли тренд бўйича экстраполяция қилинади ва тескари алмаштириш орқали дастлабки шкалага қайтарилади. Башорат натижаси кутилаётган хавф даражаси ва ўзгариш тенденциясини ифодалайди. Ҳимоя индекси $\Delta I_Ҳ$ учун ±0,03 чегара белгиланган (1-жадвал); бу қиймат типик стандарт хато $\sigma = 0{,}029$ га яқин бўлиб, ундан кичик ўзгариш статистик жиҳатдан аҳамиятли деб баҳоланмаган.

1-жадвал

Ҳимоя индекси динамикасини талқин қилиш

$\Delta I_Ҳ$ қиймати	**Тенденция**	**Башоратга таъсири**	**Бошқарув хулосаси**
$\Delta I_Ҳ > +0{,}03$	Яхшиланаётган	Башорат хавф жорий даражадан паст бўлди	Жорий сиёсат самарали - давом эттириш
$-0{,}03 \le \Delta I_Ҳ \le +0{,}03$	Барқарор	Хавф амалдаги даражада сақланди	Ўзгариш статистик аҳамиятли эмас; мониторинг давом этди
$\Delta I_Ҳ < -0{,}03$	Ёмонлашаётган	Башорат хавф жорий даражадан юқори бўлди	Тузатувчи тадбирлар зарур; заиф компонент аниқланди

Башорат ишончлилиги маълумот сифати, кузатувлар сони, даврлар сони, башорат муддати ва технологик барқарорлик бўйича текширилади (2-жадвал). Шарт бажарилмаса, натижа бошқарув қарори учун мустақил асос эмас, «дастлабки баҳо» саналади.

2-жадвал

Башорат натижасининг ишончлилигига қўйиладиган талаблар

№	Талаб	Мезон	Бажарилмаса
1	Маълумот сифати	Імс ≥ 0,95 - (3.7)	Башоратлаш ўтказилмади
2	Кузатувлар сони	Ҳар бир коэффициент учун nj ≥ 30 - (4.36)	Ишончлилик оралиғи кенгаяди; натижа дастлабки ҳисобланди
3	Даврлар сони	Камида 2 давр; тавсия этилди - 3 давр	Тенденция аниқланмайди; фақат жорий хавф ҳисобланди
4	Башорат уфқи	$\tau \leq 3$ йил	Экстраполяция хатоси кескин ортади; башорат берилмади
5	Технологик барқарорлик	Башорат даврида технология ва ускуна таркиби ўзгармаслиги	Модел қайта калибрланди - (3.11)

Логит-трендли модел математик жиҳатдан ихтиёрий τ учун натижа берди, аммо экстраполяциянинг ишончлилиги вақт ортиши билан кескин пасайди. Моделнинг ўтган икки даврдаги ўзгариш суръати сақланди деб фараз қилинди, узоқ муддатда эса бу фараз асосланмади. Шу сабабли услубиятда уч йиллик уфқ юқори чегара сифатида белгиланди, ундан узоқроқ муддатга башорат бериш учун қўшимча омилларни (инвестиция режаси, технологик янгиланиш дастури) моделга киритиш талаб этилди

Базавий хавф – ҳимоя чоралари ҳисобга олинмаган ҳолдаги хавф даражаси бўлиб, ҳодиса эҳтимоли (P) ва оқибат оғирлиги (S) кўпайтмаси билан баҳоланади. Ҳар иккиси 1–5 балл шкаласида белгиланади (3- ва 4-жадваллар).

3-жадвал

Хавфнинг юз бериш эҳтимоллик даражаси P шкаласи

Балл	Даража	Мезон (тавсиф)	Такрорланиш частотаси
1	Жуда паст (деярли эҳтимолсиз)	Ҳодиса фақат фавқулодда ҳолатларда содир бўлиши мумкин; иш ўрнида амалда кузатилмаган; назорат чоралари тўлиқ ва ишончли	Амалда кузатилмаган
2	Паст	Ҳодиса камдан-кам юзага келиши мумкин; назорат чоралари мавжуд, лекин айрим камчиликлари бор	Бир неча йилда 1 марта
3	Ўрта	Ҳодиса вақти-вақти билан юзага келиши мумкин; назорат чоралари қисман таъсирчан	Йилига бир неча марта
4	Юқори	Ҳодиса тез-тез юзага келади; мавжуд шароит хавфни рағбатлантиради; назорат чоралари етарли эмас	Ойига бир неча марта
5	Жуда юқори (деярли муқаррар)	Ҳодиса мунтазам юзага келади ёки келиши кутилади; самарали назорат чоралари йўқ	Ҳар сменада ёки ҳафтада

4-жадвал

Оқибат аҳамиятлилиги (оғирлиги) S шкаласи

Балл	Даража	Мезон (тавсиф)	Йўқотилган иш кунлари
1	Кичик (енгил)	Микрожароҳат; биринчи тиббий ёрдам кифоя; меҳнат қобилияти йўқолмайди	0
2	Сезиларли	Меҳнат қобилиятининг вақтинча йўқолиши; қисқа муддатли амбулатор даволаш	1 - 15

3	Ўртача (жиддий)	Узоқ муддатли меҳнат қобилияти йўқолиши; стационар даволаш; енгил (қайтувчи) касб касаллиги	16 - 60
4	Оғир	Доимий меҳнат қобилияти йўқолиши (ногиронлик); оғир ёки сурункали касб касаллиги	> 60 ёки ногиронлик
5	Ҳалокатли	Ходимнинг ўлими ёки гуруҳли бахтсиз ҳодиса; қайтмас оғир оқибатлар	Ўлим

Касбий хавфларни олдиндан баҳолаш алгоритмида ходимларнинг жисмоний ва руҳий зўриқиши, саломатликка эҳтимолий таъсир ва профилактик чораларнинг устуворлиги инобатга олинган.

Амалий баҳолашда қуйидаги муаммолар аниқланган:

– иш жойлари, лавозимлар, тиббий кўриклар ва профилактик чораларга оид маълумотлар турли манбаларда сақланиши ҳамда уларни биргаликда таҳлил қилиш қийинлиги;

– тиббий кўрик ёки бошқарув қарори учун зарур маълумотларни ўз вақтида олиш имконияти чекланган;

– индивидуал касбий хавф хариталари, ташкилот профиллари ва статистик ҳисоботларни шакллантириш меҳнат талаб этиши.

Тадқиқотда таклиф этилаётган модел меҳнат жараёнида мавжуд хавф-хатарларни аниқлаш, уларни миқдорий баҳолаш, устуворлаштириш, профилактик чораларни танлаш, чоралар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда ўзгарган шароитларда хатарларни қайта баҳолашни ягона итератив бошқарув циклига бирлаштирди. Моделнинг асосий хусусияти хатарни фақат бир марталик баҳолаш эмас, балки «аниқлаш–баҳолаш–чоралаш–мониторинг–қайта баҳолаш» кетма-кетлиги орқали узлуксиз бошқаришдан иборат. Ҳар бир аниқланган и-хатар учун хатар даражаси икки асосий параметр: зарар оқибатининг оғирлиги ва хавфли ҳодисанинг юз бериш частотаси (ёки эҳтимоли) асосида аниқланди.

$$\mathrm{P_i} = C_i * \Phi_i \qquad (1)$$

$\mathrm{P_i}$ -хавфнинг бошланғич хатар даражаси; $C_i -$ зарар оғирлиги; Φ_i –ҳодиса частотаси/ эҳтимоли.

$$К_r = \frac{P_0 - P_i}{P_0} * 100\ \% \qquad (2)$$

P_0 - чора жорий этишдан олдинги хатар; P_i - чора жорий этилгандан кейинги хатар; $К_r$- камайиш самарадорлиги.

$$\mathrm{P}_i = \mathrm{C}_i \times \Phi_i. \qquad (3)$$

$\mathrm{P_i}$ – хатар даражаси, $\mathrm{C_i}$ – зарар оғирлиги, $\mathrm{F_i}$ – ҳодиса эҳтимоли; ҳар иккала омил 1–5 баллда баҳоланса, натижа 1–25 оралиғида бўлади (5-жадвал).

Чегаравий риск қийматлари корхона ички мезонлари, норматив талаблар ва статистикага кўра калибрланади; улар универсал қатъий норма эмас.

5-жадвал

Хатарларнинг устуворлигини аниқлаш

Р қиймати	**Хатар даражаси**	**Устуворлик**	**Бошқарув қарори**
1–4	Паст	IV	Мавжуд назоратни сақлаш ва даврий мониторинг

5–9	Ўртача	III	Қўшимча профилактик чораларни режалаштириш
10–16	Юқори	II	Назорат чораларини кучайтириш ва қисқа муддатда жорий этиш
17–25	Жуда юқори	I	Зудлик билан хавфни камайтириш; зарур бўлса ишни чеклаш

Профилактик тадбир натижасида рискнинг камайиш коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$К_г = ((P_0 - P_1) / P_0) \times 100\ \% \qquad (4)$$

Бунда, P_0—профилактик чора жорий этилишидан олдинги хатар; P_1—чора жорий этилгандан кейинги хатар; $К_г$—хатарни камайтириш самарадорлиги. $К_г$ нинг мусбат бўлиши хатар камайганини, нолга яқин қиймат эса чоранинг хатар даражасига сезиларли таъсир кўрсатмаганини билдиради.

Баҳолашнинг қиёсий мезонлари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Мезон	**Рейтинг қиймат**	**Маъноси**
Тортишиш кучи	Паст	Ишдан вақтинчалик озод бўлишни талаб қилмайдиган бахтсиз ҳодиса ёки касаллик.
	Ўртача	Ишдан вақтинчалик озод бўлишни талаб қиладиган бахтсиз ҳодиса ёки касаллик.
	Оғир:	Қисман доимий ногиронликка олиб келадиган бахтсиз ҳодиса ёки касаллик.
	Жуда оғир	Ўлимга олиб келадиган бахтсиз ҳодиса ёки касаллик.
Частота	Паст	Тахминан йилига бир марта таъсирга учраш.
	Ўртача	Тахминан ойига бир марта таъсирга учраш.
	Тез-тез	Тахминан ҳафтасига бир марта таъсирга учраш.
	Жуда тез-тез	Кундалик ёки узлуксиз таъсирга учраш.

Тизим иштирокчилари ва дастурий архитектураси 3-расмда акс эттирилган.



3.10-расм. Тизим иштирокчилари



3-расм. Дастурий таъминоти архитектураси

Тадқиқотда олинган натижалар асосида ходимларга кўрсатилаётган кузатувнинг сифати ва даврийлигини қуйидагича аниқланди:

- статистика ва бошқарув панели (Dashboard) қатлами ташкилотнинг меҳнат шароитлари билан боғлиқ хавфларни баҳолаш ва уларнинг олдини олишга оид асосий жараёнлари ҳамда фаолиятини кузатиб бориш имконини берди. Тизимнинг асосий фойдаланувчилари талаб ва мақсадларини қондириш учун пухта танланган кўрсаткичлар ва мақсадли статистик маълумотлар жорий этилди.
- бошқарув (Administratsion) қатлами тизим фойдаланувчилари ҳисоб-ёзувларини бошқариш, шартнома тузилган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ушбу ташкилотларга шифокорларни бириктириш вазифаларини бажарди.

Олиб борилган тадқиқотда Dashboard дастурий восита хавфларни баҳолаш ва уларнинг олдини олиш бўйича стандарт тартиб-қоидаларга мос келди, шу билан бирга, ҳар бир ташкилотнинг ўзига хос фаолияти ва тузилмасига мослашди.



Шунингдек, ҳар бир ташкилот учун баллар тизимини созлаш имконини берди. Баҳолаш жараёнида аниқланган хавфларни аниқ белгилаш учун аввало ташкилотни таркибий бўлинмалар ва иш жойларига ажратиб чиқилди(тузилмасини шакллантириши) ва ушбу вазифа қуйидаги интерфейс ёрдамида бажарилди.

Шундан сўнг баҳолаш тизими созланди (бунда тизимнинг стандарт тузилмаси 4 та оғирлик даражаси ва 4 та такрорланиш даражасидан иборат эканлигини, шунингдек, стандарт ҳисоблаш усули кўпайтириш эканлигини инобатга олинди).

Тадқиқотда бошқариш модулидан фойдаланган ҳолда баҳолаш ва профилактик жараён бошланди ва қуйида кўрсатилган интерфейс пайдо бўлди.



Иш бўлинмаси доирасида аниқланган хавфларни кўздан кечиришни ёки муайян иш жойи учун аниқланган хавфларни кўриш мақсадида ўша бўлинмадаги аниқ иш жойларига яқинлаштириб қарлди. Шунингдек, умумлаштирилган кўриниш ҳам мавжуд бўлиб, у фойдаланувчига ўзгартиришлар киритиш, ҳисоботлар тайёрлаш ва шу каби амалларни бажариш учун чора-тадбирлар натижалари кўриб чиқилди. Бу жараён учта янги ёрлиқни очиб берди.



Ўтказилган тадқиқотнинг тажрибаси якунида қуйидаги статистик маълумотлар тақдим этилди: хавф таъсирига учраган ишчи кучи лавозим/бўлинма ва ташкилот кесимида; ташкилот миқёсида хавф манбалари бўйича аниқланган хатарлар; даврлар кесимида профилактик чоралар.



Прототип ҳар бир иш жойида маълумотларни босқичма-босқич тўплаш, янгилаш ва таҳлил қилишга мўлжалланган.

Дастурнинг афзалликлари:

– хавфли омиллар ва профилактика тадбирларининг таҳрирланувчи электрон кутубхонаси;

– иш жойида сўровнома тўлдириш ва маълумотларни тезкор йиғиш;

– ташкилот профили, риск харитаси ва статистик ҳисоботларни автоматик тайёрлаш.

Тизимда ходимнинг турли лавозимлардаги касбий таъсир тарихи сақланиб, индивидуал хавф харитаси тузилади. Планшет ёки ноутбукдан киритилган сўровнома маълумотлари асосида иш куни давомидаги зарарли омиллар ва уларнинг таъсири визуаллаштирилади.

Тақсимланган маълумотлар базаларини интеграция қилиш ечимни бошқа хизмат кўрсатиш объектларига татбиқ этиш ва ҳудудий касбий хавф статистикасини тузиш имконини беради.

Учинчи боб натижасида касбий хавфларни баҳолаш алгоритми, тиббий кўриклар самарадорлигини таҳлил қилиш ва логит-трендли башоратлаш модели ишлаб чиқилган. Ишончлилик маълумот сифати, кузатув ва даврлар сони, башорат уфқи ҳамда технологик барқарорликка боғлиқлиги исботланган. Ҳимоя индекси тенденцияси, эҳтимоллик ва оқибат оғирлиги бўйича риск баҳоланган; Ниман тенгламаси орқали хавф омилларининг

миқдорий ўзгариши аниқланиб, профилактик-бошқарув чоралари таклиф этилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Касбий хавфларни баҳолаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқаришни рақамлаштириш учун E-XAVF дастурий ечимини ишлаб чиқиш”** деб номланиб, ушбу бобда касбий хавфни бошқаришни рақамлаштиришнинг илмий ва амалий зарурати, фаолият ва хавфларни идентификация қилиш модули, хавфларни бошқариш чора-тадбирлари ва такомиллаштириш цикли тўғрисидаги маълумотлар билан тавсифланади. Шунингдек, мазкур бобда ички аудит, режалаштириш ва ҳужжатларни автоматик шакллантириш, маълумотларни сақлаш, тиклаш ва ахборот хавфсизлиги баён этилган.

E-XAVFни жорий этиш алгоритми, намунавий сценарий, анъанавий усул билан қиёсий баҳолаш ва иқтисодий самарадорлик мезонлари ишлаб чиқилган.

E-XAVF v2.0.0 дастури Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 июлдаги 454-сон қарорига мувофиқ рискни идентификация қилиш, баҳолаш ва бошқариш тартибини электрон алгоритмга айлантиради. Эҳтимоллик беш омил бўйича автоматик ҳисобланади, оқибат оғирлиги 1–5 баллда баҳоланади; риск $R = P \times S$ орқали аниқланади.

Риск матрицаси режалаштириш, чора-тадбирлар, ички аудит, номувофиқликларни бартараф этиш, самарадорлик мониторинги ва ҳисоботлар билан боғланган. Назорат қилинмаган хавф чора-тадбирлар режасига автоматик ўтади; маълумотлар тўлиқлиги ва ягона манбадан ҳужжат шакллантириш текширилади.

Локал веб-илова корхона инфратузилмасига осон жорий этилади. Маълумотлар браузерда сақланади, экспорт ва қайта юклаш қўллаб-қувватланади; ихтиёрий AES-256-GCM, PBKDF2 ва SHA-256 технологиялари файл махфийлиги ҳамда яхлитлигини ҳимоя қилади.

Дастурнинг илмий янгилиги – норматив методикани ягона маълумот модели, такрорланувчи алгоритм ва интеграциялашган ҳужжат айланмасига айлантиришдир. У эксперт қарорини алмаштирмасдан, баҳолашнинг шаффофлиги ва аудит қилинишини оширади.

Кейинчалик марказлашган маълумотлар базаси, аналитик панеллар ва бошқа меҳнат гигиенаси тизимлари билан интеграция имкони назарда тутилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Тадқиқот давомида бахтсиз ҳодисалар сабабларининг тузилиши таҳлил қилиниб, улар уч гуруҳга бирлаштирилди: техник-технологик – 75%, ташкилий-бошқарув – 14%, санитар-гигиеник – 11% . Мавжуд риск баҳолаш усуллари қиёсий таҳлил қилинди ва асосий чеклови аниқланди: гигиеник, техник, ташкилий ва тиббий кўрсаткичлар ажратилган ҳолда баҳоланди. Тадқиқот объектларида ходимларга касбий хавф омиллари мажмуавий таъсир этиб, меҳнат шароитлари гигиеник таснифга кўра 3 синф “зарарли” шароитнинг 3.1, 3.2, 3.3 ва 3.4 даражасига мос келиши, ишнинг оғир ва тиғиз эканини билдирди.

2. Касбий хавфларнинг тўрт компонентли интеграл модели (ИКР-4), адаптив рискка йўналтирилган бошқарув тизими ва тиббий кўриклар самарадорлигини ҳисобга олувчи баҳолаш алгоритми ишлаб чиқилди.

3. Логит алмаштиришга асосланган трендли башоратлаш модели қўлланилиб, унинг ишончлилиги маълумот сифати, кузатувлар ва даврлар сони, башорат муддати ҳамда технологик барқарорликка боғлиқлиги асосланди.

4. Детерминистик ва эҳтимолий баҳолаш усуллари, оқибат оғирлиги ҳамда ҳимоя индекси динамикасини бирлаштириб, хавфнинг кутилаётган даражаси ва тенденцияси аниқланди.

5. Ниман тенгламаси ёрдамида саноат объектларида хавф омилларининг миқдорий ўзгариши баҳоланиб, уларни камайтиришнинг профилактик-бошқарув чоралари ишлаб чиқилди.

6. Тадқиқотда «Kasbiy xavflarni baholash va mehnatni muhofaza qilish tizimini boshqarish dasturi» – E-XAVF v2.0.0 дастурий ечимининг илмий-методик ва техник асослари ишлаб чиқилди. Эҳтимоллик беш омил бўйича автоматик ҳисобланди, аҳамиятлилик 1–5 шкалада баҳоланди ва риск R=P×S формула билан аниқланди. E-XAVF норматив методикани формал алгоритм, ягона маълумот модели ва ҳужжатлар интеграцияси кўринишида амалга ошириш имконини берди. Дастур локал веб-илова сифатида ишлаши турли корхона инфратузилмаларида жорий қилишни енгиллаштиради. Маълумотлар браузер хотирасида сақланиши, файлга экспорт ва қайта юклаш имконияти мавжудлиги, ихтиёрий шифрлаш AES-256-GCM, PBKDF2 ва SHA-256 асосида амалга оширилиб, файлларнинг махфийлиги ва яхлитлиги ҳимоя қилинди.

7. Қабул қилинган ҳисобий сценарийда E-XAVF дастурини жорий этиш натижасида йилига 17,850,000.0 сўм миқдорида умумий иқтисодий самара олинди. 12,000,000 сўмлик бошланғич жорий этиш харажати ҳисобга олинганда, биринчи йилдаги соф иқтисодий самара 5,850,000.0 сўмни ташкил этди. Ҳисобий иқтисодий самарадорлик 48.75% бўлиб, инвестицияларнинг қопланиш муддати тахминан 8.1 ойни ташкил қилди.

ДИССЕРТАЦИОННЫЙ СОВЕТ PhD 34.2025.27.12.T.01.01 ПРИ ЦЕНТРЕ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ РАБОТНИКОВ МИНИСТЕРСТВА СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ И ЗАНЯТОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РЫНКА ТРУДА

ЖУРАЕВ АКБАР РАЙХОНОВИЧ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ОХРАНОЙ ТРУДА В ЦЕЛЯХ СНИЖЕНИЯ ВОЗДЕЙСТВИЯ ВРЕДНЫХ И ОПАСНЫХ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ФАКТОРОВ НА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

05.10.01 – Охрана труда и безопасность жизнедеятельности
(технические науки)

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание учёной степени доктора философии (PhD) по техническим наукам

Ташкент – 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2023.4.PhD/T4333.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте рынка труда.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекском, русском и английском – резюме) на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Адилов Уткир Халилович** доктор медицинских наук
Официальные оппоненты:	**Литяга Артём Валериевич** доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент
	Насиров Уткир Фатитдинович доктор технических наук, профессор
Ведущая организация	**Навоийский государственный горно-технологический университет**

Защита диссертации состоится «____» ноября 2026 года в 10:00 на заседании Научного совета PhD 34.2025.27.12.T.01.01 при Центре повышения квалификации работников Министерства сокращения бедности и занятости Республики Узбекистан (адрес: 100102, г. Ташкент, Янгихаётский район, ул. Лутфкор, д. 33. Тел.: (71) 258-09-12; факс: (71) 258-09-12; E-mail: info@rmmk.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Центра повышения квалификации работников Министерства сокращения бедности и занятости Республики Узбекистан (зарегистрирована под № _____). Адрес: 100102, г. Ташкент, Янгихаётский район, ул. Лутфкор, д. 33. Тел.: (71) 258-09-12; E-mail: info@rmmk.uz.

Автореферат диссертации разослан «____» ноября 2026 года.
(Протокол реестра № ___ от «____» ноября 2026 года).

Б.Т. Ибрагимов
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, профессор

У.Б. Кадыров
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент

Ф.Н. Нуркулов
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы одной из приоритетных задач в области охраны труда во всём мире является снижение негативного влияния вредных и опасных факторов производственной среды на здоровье и трудоспособность работников промышленных предприятий, профилактика производственного травматизма и профессиональных заболеваний, а также эффективное управление опасностями. Ускоренное развитие промышленности, внедрение новых технологических процессов, расширение автоматизации и цифровизации изменяют характер и структуру рисков в рабочей среде. Поэтому особую значимость приобретает переход от реагирования на уже возникшие опасности к их заблаговременному выявлению, оценке, мониторингу и прогнозированию воздействия на работников. По данным Международной организации труда, ежегодно в мире по причинам, связанным с трудовой деятельностью, погибает в среднем 2,9 млн человек, в том числе 2,58 млн – вследствие профессиональных заболеваний и 0,32 млн – вследствие производственных травм; травмы получают 395 млн работников. Это обусловливает необходимость дальнейшего совершенствования системы управления охраной труда.

Несмотря на масштабные исследования и внедрение современных моделей управления безопасностью труда во многих странах, остаются недостаточно изученными вопросы комплексной идентификации опасностей, оценки профессиональных рисков, мониторинга производственной среды, формирования культуры безопасного труда, риск-ориентированного управления, цифрового мониторинга технологических процессов и применения технологий прогнозирования рисков. В связи с этим актуальны разработка интегрированных механизмов комплексной оценки вредных и опасных факторов и снижения их воздействия на здоровье персонала, цифровизация управления охраной труда, а также исследования по раннему выявлению профессиональных рисков с использованием искусственного интеллекта и интеллектуального анализа данных.

В Республике Узбекистан осуществляются широкомасштабные меры по обеспечению безопасных и здоровых условий труда на промышленных предприятиях, совершенствованию системы охраны труда, предупреждению несчастных случаев и профессиональных заболеваний, развитию механизмов оценки и управления профессиональными рисками, а также внедрению современных технологий. Разработаны соответствующие государственные программы; в данной области введены около 20 базовых нормативных документов, свыше 227 правил охраны труда работников, а также типовые нормы бесплатной выдачи специальной одежды, специальной обуви и других средств индивидуальной защиты для работников 38 отраслей и направлений производства. Вместе с тем на опасных производственных объектах по-прежнему имеют место случаи травматизма и профессиональной заболеваемости. Это обусловливает необходимость разработки новых

подходов и дальнейшего проведения научных исследований в области охраны труда.

Настоящее диссертационное исследование в определённой степени способствует реализации Трудового кодекса[1] Республики Узбекистан, Закона[2] Республики Узбекистан «Об охране труда», постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан от 21 июля 2025 года № 454 «О внедрении системы управления охраной труда» и от 24 декабря 2025 года № 819 «О порядке организации работы по охране труда в организациях и деятельности службы охраны труда», а также ратифицированных Республикой Узбекистан конвенций Международной организации труда № 187 «Об основах, содействующих безопасности и гигиене труда» и № 155 «О безопасности и гигиене труда».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением II «Повышение производительности труда» развития науки и технологий Республики Узбекистан.

Степень изученности проблемы. Вопросы снижения негативного воздействия вредных и опасных производственных факторов на работников рассматривались в трудах зарубежных учёных А. Смита, Д. Рикардо, К. Макконнелла, А. Оукена, И. Фишера, Д. Кейнса, Р. Агабекяна, Г. Авагяна, Н. Волгина, Ю. Одегова, Л. Костина, В. Плакси и других. В работах отечественных исследователей К. Абдурахманова, У.Х. Адилова, Р.Р. Нурмаматовой, О.Р. Юлдашева, Г.Б. Абдиевой, О.А. Джураева, К.А. Атабаева изучались вопросы снижения воздействия опасных и вредных факторов и оценки уровня профессионального риска на предприятиях, анализировались состояние безопасности труда, здоровья работников и проблемы действующего законодательства в области охраны труда. Ш.Г. Мусаев и Г.З. Туракулова исследовали эффективные меры предупреждения несчастных случаев. Вместе с тем вопросы комплексного снижения воздействия вредных и опасных факторов и совершенствования управления охраной труда на промышленных предприятиях изучены недостаточно.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ учреждения, в котором выполнена диссертация. Работа проведена в рамках программы «Межотраслевые нормативы численности работников, занятых обслуживанием административных зданий и сооружений и ремонтом оборудования», предусмотренной планом научно-исследовательских работ Научно-исследовательского института рынка труда Министерства сокращения бедности и занятости Республики Узбекистан, утверждённым постановлением Кабинета Министров № 616.

Цель исследования заключается в разработке научно-методических основ совершенствования системы управления охраной труда, направленной

[2] Трудовой кодекс Республики Узбекистан. https://lex.uz/uz/docs/6257288., Закон Республики Узбекистан [2], 22.09.2016 йилдаги ЎРҚ-410-сон. https://lex.uz/docs/3031427

на снижение негативного воздействия вредных и опасных производственных факторов на работников промышленных предприятий, а также подготовке практических рекомендаций по повышению эффективности обеспечения безопасности труда.

Задачи исследования:

Для достижения поставленной цели предусмотрено решение следующих задач:

изучить причины неблагоприятных условий труда и производственного травматизма, проанализировать несчастные случаи и выполнить количественную оценку травматизма;

исследовать подходы к оценке и управлению рисками в организациях и разработать алгоритм оценки состояния охраны труда;

разработать методику прогнозирования вероятного развития профессионального риска в системе управления охраной труда на промышленных предприятиях;

исследовать эффективность медицинских осмотров работников промышленных предприятий и обеспеченность средствами индивидуальной защиты;

разработать программное решение E-XAVF для цифровизации оценки профессиональных рисков и управления системой охраны труда;

разработать алгоритм оценки вероятности и тяжести последствий, матрицу рисков и автоматическое определение приоритетности управленческих мер, рассчитать экономическую эффективность по сравнительным критериям.

Объектом исследования являются рабочие места, работники и технологические регламенты Алмалыкского ГМК, Навоийского ГМК, АО «Узбекуголь», СП «Uz-Kor Gas Chemical» – предприятия по глубокой переработке нефти и газа, а также ООО «MANAGEMENT CERTIFICATION».

Предмет исследования – факторы условий труда на рабочих местах промышленных предприятий, несчастные случаи, профессиональные заболевания, результаты медицинских осмотров и показатели обеспеченности средствами индивидуальной защиты.

